



ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ТУШУНЧАСИ, ТАРКИБИ ВА ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Одинаев Дилшоджон Шавкатович

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
"Макроиқтисодиёт" кафедраси таянч докторанти, Тошкент,
Ўзбекистон. d.odinaev@nuu.uz*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a28

Аннотация

Мақолада иқтисодий салоҳият тушунчаси, унинг таркиби ва шаклланиш омиллари, таснифи тадқиқ этилган. Иқтисодий салоҳият мазмунини бўйича турли ёндашувлар қиёсий таққосланган. Шунингдек иқтисодий салоҳият омиллари турлари гуруҳланган ва унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида иқтисодий салоҳият категориясининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: иқтисодий салоҳият, ресурс, табиий-экологик салоҳият, ишлаб чиқариш салоҳияти, ижтимоий-маданий салоҳият, молиявий салоҳият.

Аннотация

В статье рассматривается понятие экономического потенциала, состав, факторы формирования и классификация экономического потенциала. Выполнен сравнительный анализ разных подходов к определению экономического потенциала. Сгруппированы виды факторов экономического потенциала и определены факторы, влияющие на экономическом потенциале. Разработано авторское определение категории экономического потенциала.

Ключевые слова: экономический потенциал, ресурс, природно-экологический потенциал, производственный потенциал, социально-культурный потенциал, финансовый потенциал.

Abstract

The article discusses the concept of economic potential, composition, factors for the formation and classification of economic potential. A comparative analysis of different approaches to determining economic potential was carried out. The factors of economic potential types of are grouped and the factors affecting economic potential are identified. The author's definition of the category of economic potential has been developed.

Key words: economic potential, resource, natural and ecological potential, production potential, social and cultural potential, financial potential.

Кириш (Introduction)

Замонавий иқтисодий адабиётларида иқтисодий тизим, жараён ва ҳодисаларни тавсифлашда иқтисодий салоҳият атамаси кенг қўлланилиб келинмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, иқтисодий салоҳият атамаси мазмуни мамлакат, минтақа ва корхона миқёсида ўрганилганда бир-биридан фарқланувчи кўрсаткичлар орқали очиб берилди. Қатор иқтисодий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, иқтисодий салоҳият тушунчаси иқтисодиёт назариясида алоҳида категория сифатида етралича ўрганилмаган ва унинг мазмуни борасида мавжуд умумий қарашлар улуши жуда кам, яъни иқтисодий салоҳият бўйича қарашларда ягона мазмунга келинмаган, иқтисодий

салоҳият ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари бўйича умумқабул қилинган баҳолаш методикаси ҳам қабул қилинмаган. Шу боис, фикримизча, иқтисодий салоҳият тушунчасини янада кенгроқ ўрганиш, илмий ёндашувга қараб тадқиқот хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш аҳамиятлидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Иқтисодий салоҳият бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва кўп сонли адабиётлар таҳлили уни мазмунини уч талқин бўйича тизимлаштириш мумкинлигини кўрсатди. Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий салоҳиятни маълум бир вазифаларни амалга ошириш қобилияти сифатида талқин қилишади. Жумладан, Б.М. Мочалов иқтисодий салоҳиятни халқ хўжалиги тармоқларининг саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш қобилияти деб таърифлайди [1].

Мазкур таърифда иқтисодий салоҳиятнинг фақатгина бир жиҳати – хўжалик механизмнинг ишлаб чиқариш функциясини бажариш қобилияти келтирилган. Шу каби таърифлар В.Н. Мосин, Д.М. Крук[2], Л.И. Лопатников[3], А.М. Румянцева[4] ишларида ҳам келтирилган. Шунингдек Э.П. Белоусованинг[5] фикрига кўра иқтисодий салоҳият хўжалик тизимининг миллий бойликларни жамият эҳтиёжларини қодририш мақсадида ўзлаштириш ва қайта ишлаш қобилияти ҳисобланади.

В.Н. Шимов[6] эса иқтисодий салоҳиятни аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатнинг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга бўлган максимал қобилияти сифатида тушунади. Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцевалар[7] ўз илмий ишларида иқтисодий салоҳиятни мамлакат иқтисодиёти, тармоқлари, корхона ва хўжаликларининг аҳоли талабларини, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича қобилиятлар йиғиндиси, А.А. Задоя[8] эса мамлакатнинг мавжуд ресурслардан максимал даражада фойдалана олиш қобилияти сифатида таърифлайди.

Иккинчи гуруҳ олимлари эса иқтисодий салоҳиятни ресурс томонидан таърифлашга уринишган. Ресурс сифатида талқин қилинган иқтисодий салоҳиятнинг биринчи таърифи А.И. Анчишкин[9] томонидан берилган бўлиб, унинг фикрича иқтисодий салоҳият ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳажми, таркиби, техник ҳолати ва сифати билан характерланади. Ушбу ёндашувда ҳам иқтисодий салоҳиятнинг фақат бир томонлама ёндашувли таърифи келтирилган. Т.К. Велбн, А.И. Архиповлар[10] фикрича иқтисодий салоҳият тўлиқ фойдаланиш шароитида максимал ЯИМ ҳажмини таъминловчи мамлакатнинг ресурслари мажмуини ташкил қилади, Л.И. Абалкин[11] таърифига кўра иқтисодий салоҳият бу жами ресурслар мажмуини ягона кўрсаткичда акс эттирувчи категориядир.

Учинчи гуруҳ олимлари иқтисодий салоҳиятни мамлакатнинг имкониятлари билан боғлашади. О.В. Козлованинг[12] келтирилган таърифига кўра иқтисодий салоҳият бу ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланганлик даражаси, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги, хўжалик механизмнинг самарадорлигига боғлиқ бўлган мамлакат имкониятидир. Т.Н. Толстых, Е.М. Улановалар[13] ўз илмий ишларида иқтисодий салоҳиятни “...тизимнинг кўзланган натижага эриша олиш борасидаги жамланма қобилияти ва имкониятлари” – деб таърифлашган. Бу берилган изоҳнинг ўзига хос жиҳати шундаки, таърифда

имконият ва қобилият биргаликда қўлланилган, яъни бошқаларида келтирилганидек фақат бир томонлама ёндашув кузатилмаган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Илмий тадқиқот жараёнида иқтисодий салоҳият тушунчасининг кўп томонлама ёндашувга асосланган умумий таърифни ишлаб чиқишда қиёсий таҳлил, тарихийлик, диалектика, индукция ва дедукция методларидан, унинг таркибий элементлари ва омилларини аниқлашда анализ-синтез, гуруҳлаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Иқтисодий салоҳият унинг таркибини ҳосил қилувчи қатор элементлардан ташкил топган интеграл тушунча ҳисобланади. Иқтисодий салоҳият мавзуси илмий адабиётларда турли йўналишларда ўрганилиши ва иқтисодий фикрнинг ривожланиши билан унинг таркиби борасидаги қарашлар ҳам ўзгариб борди. Таъкидлаш керакки, иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи айрим элементлар иқтисодий салоҳият категориясидан ҳам олдинроқ пайдо бўлган ва мустақил равишда ривожланиб борган. Жумладан, ишлаб чиқариш салоҳияти XIX аср ўрталаригача амалий жиҳатдан иқтисодий салоҳият ўрнида қўлланилиб келган. Ишлаб чиқариш фондлари, моддий захиралар ишлаб чиқариш салоҳияти асосини ташкил қилган. Бу фондлар таркибига меҳнат ресурслари салоҳияти ҳам киритилган. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг капиталга алмашинув жараёни жадаллашига олиб келди, натижада иқтисодий салоҳият таркибида номоддий элементлар пайдо бўлди, хусусан бозор, инновацион, интеллектуал салоҳият турларининг аҳамияти ошди. Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи элементлар аҳамиятининг бу каби ўрин алмашинуви аввалам бор иқтисодий ўсиш омилларининг ўзгариши билан боғлиқдир. Яъни, давр талаби билан оддий экстенсив иқтисодий ўсиш янги технологиялар ва инновацион ечимларга асосланувчи сифатли иқтисодий ўсиш, интенсив иқтисодий ўсиш билан алмашган. Шу боис ҳам замондош олимлар томонидан тақлиф этилган иқтисодий салоҳият таркиби хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган ва тақлиф этилган иқтисодий салоҳият таркибларининг қиёсий таҳлили натижасида улар тўрт йирик гуруҳга бўлинди (1-расм).

Тақлиф этилаётган иқтисодий салоҳият таркибининг биринчи гуруҳи ишлаб чиқариш салоҳияти ҳисобланади. Иқтисодчи олимлар фикрича, ишлаб чиқариш салоҳияти ишлаб чиқариш омилларидан кутилаётган натижадорликни акс эттиради, яъни ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланилганда эришилиши мумкин бўлган потенциал натижаларни билдиради. Ишлаб чиқариш салоҳияти доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлгани учун унинг таркибий элементларини аниқ вақт momentiда баҳолаш тўғри бўлади. Унинг элементлари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган омиллардан ташкил топади.

Иқтисодий салоҳият мазмунини аниқлашда унинг таркибий тўзили ва шаклланиш омилларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Кўп томонлама ёндашувлар сабабли иқтисодий салоҳият таркибини аниқлашда иқтисодиётни амал қилиш даражаси бўйича хилма-хиллик мавжуд, уларни қуйидаги даражада гуруҳлаш мумкин[19]:

- микродаражадаги таркиб;

- мезодаражадаги таркиб;
- макродаражадаги таркиб.



1-расм. Иқтисодий салоҳият таснифи¹

Микродаражада иқтисодий салоҳият таркиби корхона миқёсида аниқланадиган кўрсаткичлар орқали аниқланади. Жумладан, ушбу таркибга хусусий мулк, логистик, рақобат, ресурс, маркетинг, инновацион, сотиш бўйича корхонанинг мавжуд салоҳиятини киритиш мумкин. Мезодаражадаги таркиб минтақа иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар билан тавсифланади. Бу гуруҳ ўз таркибига табиий-ресурс, демографик, экологик, экспорт, инвестицион, институционал, бозор, таълим ва ижтимоий соҳа бўйича минтақанинг мавжуд салоҳиятини олади. Макродаражадаги таркиб бутун мамлакат учун тегишли бўлиб, ўз ичига мезодаражадаги таркиб билан бир қаторга иқтисодиёт тармоқлари иқтисодий салоҳиятини ҳам олади.

1-жадвал

Иқтисодий салоҳиятнинг турли беглигларига кўра гуруҳланиши.²


Гуруҳланиш беглиси	Иқтисодий салоҳият гуруҳи
Тадқиқот ёндашувчи бўйича	- ресурс - натижавий - комплекс
Ўзлаштирилганлик даражаси бўйича	- ўзлаштирилган - резерв - стратегик
Фаолия тури бўйича	- саноат - хизмат кўрсатиш - экспорт

¹ Муаллиф томонидан тузилди.

² [14], [15], [16], [17] ва [18] адабиётларга асосланган ҳолда муаллиф томонидан умумлаштирилди

Гуруҳланиш беглиси	Иқтисодий салоҳият гуруҳи
Аниқланиш даври бўйича	- ҳисобот йили бошида - йиллик ўртача - ҳисобот йили сўнгида
Ҳуқуқий-институционал асос бўйича	- умумий - хусусий
Фойдаланиш босқичи бўйича	- яратиш - фойдаланиш - такомиллаштириш
Маълумот олиш даражаси бўйича	- юқори - ўрта - паст
МҲТ баланси бўйича	- актив - пассив

Иқтисодий салоҳиятни шаклланиши, ривожланиши ва ундан самарали фойдаланиш омиллари турли мезонлар бўйича таснифланади. 2-расмда улар батафсил келтирилган:




2-расм. Иқтисодий салоҳият омиллари таснифи³

Барча иқтисодий салоҳият омиллари экстенсив ва интенсив турларга бўлинади. Биринчиси иқтисодий ресурслар миқдори ва улардан фойдаланишнинг ҳажми билан боғлиқ бўлса, иккинчиси эса самарадорлик ва натижадорликни таъминловчи уларнинг сифат кўрсаткичлари билан аниқланади.

Таъсир ва барқарорлиги бўйича иқтисодий салоҳият омиллари объектив ва субъектив турларга бўлинади. Мамлакат, ҳудуд, тармоқ ёки корхонага бўғлиқ бўлмаган иқтисодий салоҳият омиллар объектив омиллар гуруҳига киради. Мамлакат, ҳудуд ёки ташкилот ривожланиши учун бевосита таъсир кўрсатуви бошқарув орган фаолияти билан боғлиқ иқтисодий салоҳият омиллари киради.

Шаклланиш манбасига кўра иқтисодий салоҳият омиллари ташқи ва ички турларга бўлинади. Ташқи омиллар хўжалик тизимида шаклланмайди ва унга боғлиқ эмас, ички омиллар эса хўжалик фаолияти натижасида шаклланади ва фаолият натижасига кўра ўзгартирилиши мумкин. Иқтисодий салоҳият омиллари ўзгаришларга таъсирчанлигига кўра ўзгарувчан ва ўзгармас омилларга бўлинади. Бундан ташқари

иқтисодий салоҳиятга таъсирга кўра эса унинг омиллари кўмаклашувчи, тўсқинлик қилувчи ва нейтрал турларга бўлинади.



3-расм. Таъсир усулига кўра иқтисодий салоҳият омиллари [20]

Иқтисодий салоҳият тушунчасининг кўп қирралиги иқтисодиёт кўламининг турли даражалари (макродаража, мезодаража ва микродаража) фарқли кўрсаткичлардан фойдаланиш тақозо қилмоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодий салоҳиятни баҳолашда даражалараро методологик мослик муаммосини келтириб чиқармоқда. Шу боис, иқтисодий салоҳиятни умумий ягона таърифини, унинг омиллари ва таркибий элементларини аниқлаш талаб этилмоқда.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Ўрганилган таърифларнинг барчасида иқтисодий салоҳият моҳияти бир ёки икки томонлама ёндашув асосида очиб берилган бўлиб, унинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди. Иқтисодий салоҳият тушунчаси мураккаб, динамик ва кўп даражали категория ҳисобланиб, ўзида ресурслар ҳажми ва сифати, ички ва ташқи омиллар, ривожланиш мақсадлари ва эришилган натижаларини мужассамлаштиради. Шу боис иқтисодий салоҳият мазмунини аниқлашда кўп қамровли, комплекс таърифни бериш талаб этилади. Буни амалга оширишда тизимли ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари иқтисодий салоҳият таркибий элементларининг ўзига хос хусусиятларини ҳам эътибордан қолдирмаслик талаб этилади.

Фикримизча, иқтисодий салоҳият минтақанинг аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ресурслар комплексидан, мавжуд ва келажакдаги иқтисодий тизимнинг(бошқарув) хусусиятларидан, географик жойлашув ва табиатдан самарали ва оқилона фойдалана олишга бўлган имконияти ва қуввати ҳисобланади. Унинг мазмунини тизимли аниқлашда ишлаб чиқариш салоҳияти, табиий-экологик салоҳият, ижтимоий-маданий салоҳият ва молиявий салоҳият элементларига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Мочалов, Б. М., Ф. М. Русинов, и Д. К. Шевченко. "Экономический потенциал развитого социализма/под ред. БМ Мочалова М." Экономика (1982): 73.

2. Крук, Д. М., В. С. Лукин, and Е. А. Мосин. "Основы экономического и социального прогнозирования." Москва: Высшая школа (1985).
3. Лопатников, Л. И. "Популярный экономико-математический словарь-М., 1990г." (1990).
4. Румянцева, А. М. "Экономическая энциклопедия. Политическая экономика." Том-4. (1983).
5. Белоусов Р.А. Рост экономического потенциала. М.: Экономика, 1971.
6. Шимов В.Н. Национальная экономика Беларуси: учебник. Минск: БГЭУ, 2009.
7. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь / Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцева. 2-е изд., испр. М.: ИНФРА-М, 1999.
8. Задоя А.А. Народнохозяйственный потенциал и интенсивное воспроизводство. Киев: Вища школа, 1986.
9. Анчишкин А.И., Наука. Техник. Экономика., М.: Экономика. 1986
10. Архипов А.И., Велбн Т.К. / Экономический словарь. М: Проспект, 2005.
11. Л.И. Абалкин. Экономическая энциклопедия / Под общ. ред. Абалкина Л.И. М.: Экономика, 1999.
12. Козлова, О. В. "Управление социалистическим производством: Словарь/Под ред. ОВ Козловой." (1983).
13. Толстых Т.Н., Уланова Е.М. Проблемы оценки экономического потенциала предприятия: финансовый потенциал // Вопросы оценки. 2004. № 4. С.18-22.
14. Волкова, Е. В. "Экономический потенциал: сущность, классификация и структура." Проблемы экономики 1 (18) (2014): 24-33.
15. Жигунова, О.А. Теория и методология анализа и прогнозирования экономического потенциала предприятия: монография / О.А. Жигунова. - М.: Изд. дом «Финансы и кредит», 2010. - 140 с.
16. Керженцев, Ф.А. Развитие методов оценки экономического потенциала промышленных предприятий: автореф. дис. ...к-та экон. наук: 08.00.05 / Ф.А. Керженцев; Самарский гос. эконом. ун-т. - Самара, 2010. - 24 с.
17. Конкурентный потенциал перерабатывающих предприятий АПК / А.В. Пилипук [и др.]; под ред. В.Г. Гусакова. - Минск: Беларус. навука. - 2012. - 217 с.
18. Ханжина, В. Структура рыночного потенциала предприятия / В. Ханжина, Е. Попов // Проблемы теории и практики управления. - 2001. - № 6 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://vasilieva.narod.ru/ptpu/20_6_01.htm. - Дата 20.12.2013.
19. Щербакова Е. В. Иерархическая структура экономического потенциала региона // Регионология. – 2018. – №. 3 (104). – С. 422-437.
20. Романов А. П. Управление экономическим потенциалом организации. – 2012.